

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 ноябр, чоршанба № 184 (1817)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

18 ноябр - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ОЗОД ЭЛНИНГ МУҚАДДАС БАЙРОҒИ



Давлат рамзлари шу юрт тарихи ва келажаги, аънавлари, кадриятлари, кудрати ва эзгу ниятлари тимсолидир. Аждодларимиз ҳам ўз туғи ва тугриси атрофида жипслашганлар.

Бундан ўн уч йил муқаддам мустақил Ватанимизнинг давлат байроғи қабул қилинган эди. Ўн уч йилдирки, у мамлакатимиздаги ташкилот ва идоралар қатори давлатимиз аъзо бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида ҳам хил-пираб турибди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ҳали мустақил тузум батамом емирилиб битмаган бир пайтда, 1990 йилнинг март ойида ўтган парламент сессиясида Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама этилган.

Уша йилнинг 20 июнида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида мамлакатимиз ўз давлат рамзларини таъсис этиши тўғрисидаги масала қайд этилган. Кўп ўтмай халқимизнинг тарихий ордуси ушалди:

Ватанимиз истиклолга эришди. 1991 йил 18 ноябр кунини Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга имзо чеқди. Унда байроғимиз мамлакатимиз суверенитети рамзи экани алоҳида таъкидланган.

Бугун у Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги элчихоналари узра Ватанимиз ва халқимизнинг ёрқин тимсоли бўлиб балқмоқда. Халқаро спорт мусобақаларида голиб бўлган юрtdошларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилганида ўзини Ўзбекистон фарзанди деб билгучи ҳар бир кишининг қалбида гурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белгида халқимизнинг асрий аънавлари, миллий кадриятларимиз акс этган. Мовий ранг азалдан куч-қудрат, тинчлик, тенглик, бегуборлик, дошмандлик тимсоли саналган. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг

бағрикенглиги ва оққўнгиллиги ифодаси. Яшил ранг яшариш ва янгилашни тимсоли. Қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқётган ҳаётнинг кудрат - манглик ифодасидир.

Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири озодлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон-эътиқод тимсолидир. Шарқда ўн икки рақам мукамаллик рамзи саналган. Ўн икки ой, ўн икки бурж... Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида раийятнинг ўн икки қатламига алоҳида эътибор қаратгани тарихдан маълум. Бинобарин, байроғимиздаги хиллол ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос теран маънога эга.

...Мусаффо осмонимиз узра мағрур хиллираётган байроғимиз юракларда ҳаяжон ва гурур ўйғотади. Зотан, у ҳар бир ватандошимиз учун Ватан ва Миллат бирлиги, ифтихори ва хурлиги рамзидир. Уни мудом эъзозлаш барчамизнинг қонуний, виждоний бурчимиздир.

Рустам ЖАББОРОВ, Ўза шарҳловчиси

АҚШ давлат қотибнинг ёрдамчиси Майкл Козак раҳбарлигидаги делегация вакиллари 16 ноябр кунини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истикболи, алоқаларни янада ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар Ўзбекистонда изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар, парламент сайловига тайёргарлик жараёни борасида ўзаро фикр алмашди.

Ташриф давомида М.Козакнинг мамлакатимиздаги қатор идора ва ташкилотларда ҳам учрашувлар ўтказиши режалаштирилган. (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОНДА 2004 ЙИЛ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

2003 йил 29 август кунини қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга асосан сайлов кампаниясини ўтказиш бошқилари қуйидагилардан иборат:

3.Округ сайлов комиссияларини тузиш (12-модда);
4.Сайлов участкаларини тузиш (8-модда);
5.Участка сайлов комиссияларини тузиш (14-модда);
6.Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг ҳужжат тақдим этишлари ва уларнинг сайловдаги иштироки тўғрисида Марказий сайлов комиссияси қарори қабул қилиниши ҳамда марказий матбуотда эълон қилиниши (21-модда);
7.Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш (22-модда);

8.Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш, рўйхатга олиш ва бу тўғрисида Марказий сайлов комиссиясида қарор қабул қилиниши (23-модда);
9.Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш (32-модда);
10.Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг хулоса бериши (24-модда);

(Боши ўтган сонда)

(Давоми 3-бетда)

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

35- савол. Хорижий давлатларда сайловларни молиялаштириш тартиби қандай?

Сайлов кампанияси борган сари сержаражат бўлиб бормоқда. Сайлов кампанияларининг молиялаштириш манбаларига қуйидагилар кирди:

1. Номзоднинг шахсий маблағлари.
2. Сайлов кампаниясининг давлат бюджетидан молиялаштирилиши.
3. Хусусий шахслар, фирмалар, банкларнинг хайрия маблағлари.
4. Сиёсий партиялар берадиган маблағлар.

Хисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзоллигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

36- савол. Ўзбекистонда сайловларни молиялаштириш тартиби қандай?

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрир)нинг 64-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари

37-савол. Сайловларни давлат томонидан молиялаштириш тартиби яна қайси мамлакатларда мавжуд?

Ҳақиқатан, айрим давлатларда сайловлар давлат томонидан молиялаштирилади, масалан, Скандинавия давлатларида, Германияда, АКШда қисман молиялаштирилади.

38-савол. Овоз бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилади?

Овоз бериш жараёни сайлов жараёнининг энг муҳим бошқичи ҳисобланади. Шу боис бу жараён қонунчиликда батафсил тартибга солинган.

(Боши ўтган сонларда)

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТИМИЗДА ҲАЖОН СИФАТ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН «СИФАТ - КОРХОНА РАҚОБАТБОРДЛИГИ АСОСИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР БУЛИБ ЎТДИ.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ИМКОНИАТЛАРИ

Анжуманда ҳар бир корхона учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бозорда муносиб ўрин эгаллаш ва экспорт имкониятини кенгайтиришнинг зарур шартли эканлиги таъкидланди. Бунини инобатга олиб, ҳукумати халқаро стандартларига асосланган маҳсулот сифатини таъминлаш ва меънамент тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратапти.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 июлда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу мақсадни рўйбга чиқаришга йўналтирилган.

Хозиргача ИСО 9001 халқаро стандарти талаблари асосида сифат меънаменти тизими сертификатига республикамиздаги 35 корхона эга бўлди. Улар орасида «ЎзДЭУавто», «ЎзКейс-Маш», «СамКочАвто», «ЎзБАТ», «Дойче Кабель АГ Ташкент», «Green World», «Оқсарой Тўқимачи LTD», «Хобас Тапо» каби йирик қўшма корхоналар бор.

Семинарда ИСО 9001 халқаро стандарти талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш борасида корхоналар раҳбарларига тегишли тавсиялар берилди.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Оролбўйида табиий маъданлар, туз, нефт ва газнинг улкан захиралари мавжуд. Истиклол шарофати билан Марказий Осиёда ягона хисобланган Кўнғирот сода заводининг бунёд этилиши, Устюрт кенгликларидан 10 минг киши истикомат қиладиган Элобод шахарчасининг қад кўтариши, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Хўжайлишиша, Кўнғиротдаги қарбид, Нукусдаги ун ва кабел заводлари, «Катекс», «Элтекс» энгил сановат мажмуаларининг бунёд этилиши мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида битим имзолангани, давлатлараро кенгаш ва Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ташкил этилгани, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва халқ ҳўжалиги йўналишида йигирмадан ортиқ лойиҳалар амалга ошириладиганлиги денгизнинг куриши туфайли юзага

минтақасида катта лойиҳаларни ўзлаштириш йўлида олиб бориладиган сайёҳаракатлар халқнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, кундалик ҳаётнинг муаммоларини енчи имкониятини яратмоқда.


Республика касаба уюшмалари Кенгаши ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Асосий эътибор Ўзбекистон касаба уюшмалари учинчи курултойи қарорлари ва Ҳаракат Дастурида қўйилган вазифаларни бажаришга, касаба уюшмаларининг ташкилотчилик ва ташаббусчилик фаолиятини кучайтиришга қаратилган.

Мамлакатимиз шимолий ҳудудидан жойлашган, табиати ва иқлими бениҳоя мураккаб қорақалпоқ диёри ўзининг қадимий тарихи, урф-одатлари, аънавлари, тили, маданиятига хос бетакрор жиҳатлари билан ажралиб туради. (Давоми 2-бетда)

УЛУҒ МАҚСАД ЙЎЛИДА

«Ийгиликга» корхонасида қайта ишланаётган табиий газ ва конденсат, Кўнғирот-Бейнау автомобил, Навоий-Учкудук-Нукус темирйўли мустақиллик самараси сифатида тарихга кирди.

Корақалпоқ халқи фидокорона меҳнат қилиб пахта, ғалла, шолидан мўл ҳосил этиштиришда, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтиришда, Жорий йилда 180 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» этиштирилиб, давлат буортмаси ошириб бажарилди.



ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ МИНГ ЁШДА

Марказий Осиёда нуфузли ва энг йирик илм-фан даргоҳларидан бири, ўзининг илмий салоҳияти билан дунёга машҳур бўлган Хоразм Маъмун академиясига бундан минг йил аввал асос солинган эди. Улуғ бобокалон олимларимиз - Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Ибн Ироқ каби алломалар академияда астрономия, математика, география, тиббиёт, физиология, кимё, ислём таълимоти

бўйича ўз тадқиқотларини олиб борган. Шундай қилиб, 1004 йилдан бошлаб Хоразмда «Дорил хикма ва маориф» (баъзи манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланди. XVIII-XX аср тарихчи олимлари изланишлар олиб бориб, бу илм даргоҳи ўз даврининг академияси бўлганлигини исботлаб берганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябрда эълон қилинган қарори билан Хоразм Маъмун академияси қайтадан ташкил этилди. Дастлабки йиллар академия таркибиде археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология муаммолари бўлимлари ташкил этилиб, 26 илмий ходим, шу жумладан, 5 та фан доктори ва 9 та фан номзодлари илмий тадқиқотлар олиб боришди.

Хоразм Маъмун академияси Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг муассасалари билан узвий ҳамкорлик қилмоқда. Шунингдек, Шарқшунослик, Археология, Тарих ва бошқа институтлар билан алоқада.

Академия жамоаси мамлакатимизда илм-фани ривожлантириш борасида бор куч-гайратларини сарфлаб, 2005 йилда нишонланадиган юбилейга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Суратларда: Хоразм Маъмун академияси фаолиятини таъминловчи Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар



РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Қорақалпоғистон Республикаси

УЛУФ МАҚСАД ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, Товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар палатаси, Республика касаб уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган келишув асосида жойлардаги корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ўртасида тузилган жамоа келишувлари ва шартномаларида белгиланган тадбирларнинг 90 фоизи bajarилди. Вазирликлар, бошқарма ва бирлашмалар ўртасида 27 та битим, корхона, ташкилот ва муассасаларда 1195 та жамоа шартномалари тузилган бўлиб, уларда белгиланган имтиёزلарни амалга ошириш учун ҳар бир ходимга ўртача ҳисобда 38,7 минг сўм маблағ сарфланди. Агроекономика мажмуи ходимлари, автотранспорт ва йўл ҳўжалиги, маданият, дўстлик муассасалари ва жамоат хизмати, ёқилги энергетика, геология, кимё саноати ходимлари касаб уюшма тармоқ кўмиталари фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди.

Ходимлар учун соғлом меҳнат шaroитини яратиш асосий йўналишлардан бири. Меҳнат муҳофазасини таъминлашда ҳар бир ходим ҳисобига ўртача сарф-

ланган маблағ «Кўнғирот-содақурилиш», 115-автотранспорт акциядорлик жамияти, Тахياتош шахар телекоммуникация тармоғи ва «Тахياتош» акциядорлик жамияти каби корхоналарда янада юқори бўлди.

Касаба уюшмалари аралашуви билан меҳнат жараёнида жароҳат олган ишловчиларга доимий моддий ёрдам кўрсатила-япти. Ўтган даврда 133 нафар фуқарога 14 миллион 586 минг сўм миқдорда тоvon пули ундириб берилди. Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига 30 миллион сўмликдан ортиқ хомийлик ёрдами кўрсатилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ёлғиз қариялар ва фахрийларга 6493,2 минг сўмлик хомийлик кўмаги берилди. Республика Кенгаши, тармоқ кўмиталари кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, кўзи ожизлар, болалар уйлари ва махсус мактаб-интернатлар жамоаларига 47 миллион 522,2 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди-лар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўла-нишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Меҳнат Кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари ижросини таъминлаш республика

кенгашидан тортиб, бошланғич ташкилотларгача бўлган барча касаб уюшма тузилмаларининг асосий вазифасидир. Иш берувчилар, махаллий ҳокимият, суд ва прокуратура идораларига 86 марта муража-атномалар киритилиб, 14,06 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Минтақада юзага келган экологик вазиятни ҳисобга олиб фуқароларга гамхўрлик кучайтирилмоқда. Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ кейинги уч йил ичида мамлакатимиз санаторийларида 467 киши даволаниб, 288 нафар хотин-қизлар кўшни вилоятлардаги сихатгоҳларда соғлигини тиклади. «Ойду-қалъа» санаторийси очилиб, фойдаланишга топширилди.

Меҳнаткашларнинг дам олиши, даволаш-профилактика тадбирларига 604 миллион 543,8 минг сўм маблағ сарфланди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида жойлашган оромгоҳларда 25 минг нафар ўғил-қизлар соғломлаштирилди.

Аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар қилинди. Кейинги беш йилда 108 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, оналик ва болаликни муҳофазалаш анча яхшиланди. Жаҳон банкининг «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида ҳар

бир туман ва шахар касалхоналарига биттадан санитар машиналар, кўп миқдорда дори-дармон ва тиббий жиҳозлар келтирилди.

Кам таъминланган оилалар ва ишламаётган оналарга ажратилган нафақа маблағлари ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпайди. Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи, ихтисослашган мактаб-интернатлар, Тахياتошдаги гўдақлар уйи хомийлар томонидан оталиққа олинган.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳар бир кишининг доимий ҳамроҳига айланган. Нукусдаги болалар кураш саройи, Олимпия захиралари коллежи, Амударё, Кегайли, Хўжайли туманларидаги замонавий болалар спорт мажмуаларида минглаб йил-гит-қизлар спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишяпти. Баҳром Эрматов, Пўлат Ўразимбе-тов, Еркинбай Қутибоев, Ойсара Утемуротова, Феруза Хайитметова каби қорақалпоқ спортчилари халқроқ мусобақаларда бир неча бор чемпионлик шохсупасига кўтарилиш-ган.

Соғиндик НИЕТУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси касаб уюшмалари Кенгаши раиси

Ўзбекистон - умумий уйимиз

Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан салохиятли туманларидан бири Кегайлида турли миллат вакиллари аҳил ва иноқликда умргузaron-лик қилиб, халқ ҳўжалигини ривожлантиришга муно-сиб ҳисса қўшмоқдалар.

Худудда яшайтган 77 мингга яқин аҳолининг тар-киби тўққиз миллат вакилларидан иборат. Бу ерда ўзбек, қорақалпоқ, тожик, рус, киргиз, татар, ко-рейс, туркман сингари миллатларнинг фарзандлари бир оила аъзоларидек тотув яшамоқдалар. Туманда саноат, халқ истеъмол моллари, дон, пахта этишти-ришни кўпайтириш, ялли махсулот ва даромадларни оширишда уларнинг ҳиссаси катта.

Шаҳарчамизда 8 миллат фарзандлари яшайди, - дейди оксоқол фахр билан. - Бир-бирига гамхўр ва кўмақдош, тўй-маъракалар-да бел бошлаб хизмат қили-шади. Ўзбек Аскар Собиров, татар Роза Таирова, рус Игор Василев, киргиз Бер-ди Маматқулов сингари тур-ли миллат ва элатларнинг вакиллари бир-бирлари бил-ан ога-ини, дўсту қадрдон. Кам таъминланган оила-

ДўСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Хозирга қадар 2 милли-ард 100 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарган «Халқобод момиги» очик тур-даги акциядорлик жамияти-да 6 миллат вакиллари ба-ҳамжихат меҳнат қилишяпти. Корхона раҳбари Муратбой Қодиров қорақалпоқ, бош мухандис Давлатбой Ўжаров қозоқ, ходимлар бўлими бошлиғи Ширин Абдуллае-ва ўзбек. Бу рўйхатни да-вом эттириш мумкин. Мав-жуд 55 та умумтаълим мак-табида 23615 нафар, 5 та касб-хўнар коллежида 2974 нафар ўқувчи ва талабалар билим олишяпти. 2,5 минг-дан ортиқ малакали ўқитув-чи-мураббийлар ёшларга пухта билим беришяпти. Мактаблар, касб-хўнар кол-лежлари, меҳнат жамоалари-да тинчлик ва осойишталик-ни, дўстлик ва миллатлар-ро тотувликни мустаҳкам-лашга қаратилган кечалар, мунозара ва мулоқотлар ўтказиб турилибди. «Ўзбекистон-умумий ҳона-домимиз», «Дўст билан обод уйинг», «Миллатларро то-тувлик», «Диний бағрикенг-лик», «Ватан саждагоҳи ка-би муқаддас», «Огоҳлик - давр талаби» мавзусида учрашув-ла ва мусохабалар уюштирил-ди.



да қозоқлар истикомат қили-шади. 2442 та оила яшайди-ган Кегайли шаҳарча фуқаро-лар йиғини худуди обод ва кўркамлашиб борапти. 13644 нафар аҳоли ва 4та маҳалла-ни бирлаштирган йирик кўрғонга Жарасибой Сержа-нов бошчилик қилапти. Олт-миш ёшга қадим қўйган, кат-та ҳаёт мактабини ўтаган қал-би дарё, меҳри дунё инсон-нинг ўзига яраша ҳурмат-эътибори бор. Беш нафар ўғил-қизни тарбиялаб, воғда етказган шоир ва ёзувчи Жа-расибой оғанинг «Туташ тақ-диллар», «Тухмат», «Шайтон-нинг уйи», «Қарғи» сингари насрий, «Синглик хат», «Бу-лоқ ҳақида баллада» каби шеърий асарлари чиққан.

лар, бева-бечоралар, ёлғиз қария ва ногиронлар ҳоли-дан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилапти. Уюш-қоқлик, ҳамкорлик ва мил-латларро тотувлик ижобий самара берапти. Давлатта дон, пахта ва бошқа қи-шлоқ ҳўжалик махсулотлари сотиш шартнома режалари адо этилиб, 3 миллиард сўмликдан ортиқ даромад олинди. 548 та кичик биз-нес ва хусусий тадбирко-рлик субъектлари, 362 та дех-қон-фермер хўжаликлари, 141 та кичик корхона, 45 та дехқон хўжаликлари фаоли-ят кўрсатапти.

Ғайбулла ЎРАЗИМБЕВ,
Кегайли тумани ҳокими

Вазирлар Маҳкамасининг «Кўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги қарори янги асрининг улкан нишотида бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш истиқболларини белгилаб берди.

УСТЮРТ МЎЪЖИЗАСИ

Белоев Устюрт кенглик-ларида кечаю кундуз ҳаёт қайнабди. Хитой Халқ Республикасининг «Ситик» компанияси билан ҳамкорлик-да тузилган 32,3 миллион АҚШ долларида иборат лойиҳага мувофиқ Оролбўйи саноат гигантида қури-лишини ускуналаш юмушлари қизгин тус олган.

Сода заводи фойдала-нишга топширилган, кунига 450 тонна ош тузи ишлаб чиқаради ва 360 тонна оҳак-тошни кальцийли содага ай-лантиради. Бир йилда мам-лакатимиз шиша, резина, металлургия, тўқимачилик саноати, тиббиётда кўп иш-латиладиган 100 минг тонна сода тайёрланади.

Қиска мuddатда корхона-нинг ишлаб чиқариш шека-ри ва ёрдамчи хўжаликлари-дан ташқари чўл бағрида кўркам Элобод шахарчаси қад кўтарди. 20 га яқин кўп қаватли турар-жойлар, мак-таб, болалар боғчаси, 300 ўринли маданият саройи,

ошхона ва бошқа ижтимоий инфратузилма тармоқлари қуриб битказилди.

Корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг. Етти юз нафардан ортиқ ишчи-хизмат-чи меҳнат қилаётган аҳил ва иноқ жамоа ўзининг фидойи ва серғайрат аъзолари билан ғашланади. Бинога биринчи гиштини қўйган Жўлабой Нор-билов, Жойлихон Раҳметов, Бодобек Гафуров, Руслан Жа-кешов сингари жонқур курув-чиларнинг жасоратига койил қолса арзийди.

Мамлакат макроиқтисоди-ётида янги саҳифа очадиган сода заводи ишга туширил-ган, халқ ҳўжалигининг бу ноёб махсулотта бўлган тала-би тўлик қондирилади.

Нағашбой КўПАЙСИНОВ,
«Кўнғиротсода» қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи,
«Шухрат» медали соҳиби

СПОРТ БИЛАН ОШНО ТУТИНИБ

Нукусдаги болалар спорт саройининг фойдаланишга топширилганга кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамадан бу йирик қошона ёшларнинг сеvimли масканига айланди.

Мажмуада 600 дан ортиқ йиғит-қиз кураш, самбо, дзю-до, тайбокс, таэквондо, бадий гимнастика секциялари машғулотларида қатнашмоқда. Уларга Еркин Қутибоев, Барсиқбой Жиянмуротов, Равшан Халипов, Гулмира Хо-ниёзова, Гулбахор Бобонова, Ерлан Жулдошев син-гари Жаҳон ва Ўзбекистон чемпионлигини кўлга кирит-ган тажрибали мураббийлар спортнинг сир-асрорлари-ни ўргатоқдалар.

Машғулотларда олган назарий билимларини амалда синая қуриб, маҳоратини оширайтган ўнлаб спортчилар мамлакат ва халқроқ миқёсда ўтказилаётган мусобақа-ларда ўзларини кўрсатиб, чемпионлик шохсупасига кўта-рилдилар.

Азамат Турдонов, Низомитдин Хўжабоев, Берик Са-риқбаев, Уткир Турсунов, Абдуғани Абдурашидов каби-лар мусобақаларда ўзларини кўрсатиб, жисмоний чи-қиқчанликларини намойиш этмоқдалар.

Шу боис бу улкан мажмуада машғулотлар иштирокчи-лари орасидан келгусида доврўли спортчилар этишиб чиқиши шубҳасиз.

Унинг ижросини таъмин-лаш мақсадида ишчи гуруҳи тузилиб, шахар ва туман-лар, фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот ва му-ассасалардаги ҳақиқий ахвол ўрганилди. Республи-кадаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органларининг меҳр-мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъу-лияти янада кучайтирилди.

Республикада 167 минг 633 нафар нафақахўр ва ногиронлар бор. Шундан 103 минг 839 нафари ёшга доир нафақахўрлар, 55 минг 53 нафари ногирон-лар ва 8741 нафари ноги-рон болалардир.

Ўзбекистон Республика-си Президентининг 1991 йил 27 майдаги 212-сонли Фармониغا асосан ўзгалар парварнишга муҳтож 1195 нафар яқка-ёлғиз кишилар,

ҚЎШМА КОРХОНА МАХСУЛОТЛАРИ

Жорий йил бошида Кўнғирот шахрида «Йиғилик газ» Қо-рақалпоғистон-Россия қўшма корхонаси фаолиятини бош-лаган эди.

Россия давлатидан олиб келинган ускуналар ёрдамида бу ерда хомашё тайёр махсулот ҳолига келтирилмоқда. Элик нафар малакали ишчи меҳнат қилаётган қўшма кор-хонада газ конденсати қайта ишланиб, ундан А-76 авто-бензини, дизел ёқилғиси ва керосин ишлаб чиқариляпти.

Йил бошидан бери умумий нархи 25 миллиард сўмлик-дан зиёд 12 минг тонна махсулот ишлаб чиқарилди. Кела-жақда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, автобензин тур-ларини кўпайтириш, эритувчан моддалар тайёрлаш мўлжал-ланяпти.

Илгари корхонанинг ёнилғи ашёларидан фақат мамлака-тимизда фойдаланилган бўлса, эндиликда хорижга ҳам экс-порт қилинаётган бўлди. Биринчи навбатда 500 тоннадан ортиқ керосин қўшни Афғонистон мамлакатига юборилди.

Оролбўйида юзага келган экологик вазият, демо-график шароит аҳолининг кам таъминланган қатлами, ногиронлар, боқувчисини йўқотган фуқаролар, ёлғиз кексаларни доимий гамхўрлик билан кураш олишни, улларга ёрдам ва кўмак беришни таказо этади.

Шу боис Қорақалпоғис-тонда ўзаро меҳр-оқибатли-лик, бағрикенглик, фуқаро-ларро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртаси-да дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини қарор топтириш, ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбия-лаш мақсадида кенгайти-рилган дастур ишлаб чиқи-либ, аниқ тадбирлар бел-гиланган.

Унинг ижросини таъмин-лаш мақсадида ишчи гуруҳи тузилиб, шахар ва туман-лар, фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот ва му-ассасалардаги ҳақиқий ахвол ўрганилди. Республи-кадаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органларининг меҳр-мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъу-лияти янада кучайтирилди.

Республикада 167 минг 633 нафар нафақахўр ва ногиронлар бор. Шундан 103 минг 839 нафари ёшга доир нафақахўрлар, 55 минг 53 нафари ногирон-лар ва 8741 нафари ноги-рон болалардир.

Ўзбекистон Республика-си Президентининг 1991 йил 27 майдаги 212-сонли Фармониغا асосан ўзгалар парварнишга муҳтож 1195 нафар яқка-ёлғиз кишилар,

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

ни ижтимоий химоя қилиш вазирлиги, «Нуроний», «Ма-ҳалла» жамғармаларининг ва



Меҳрибонлик ва мурувват уй-ларининг фаолияти ахшилан-моқда. Хўжайлидаги Меҳри-

бўлимлари томонидан 14 нафар меҳр-шафқат ҳам-ширларни, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган 16 киши хизмат кўрсатапти. 1500 га яқин ёлғиз қарияга 214 нафар ижтимоий таъминот ходим-лари бериштиб қўйилган.

Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги ва эътибордан четда қолмас-лиги керак. Ўзгалар пар-варнишга муҳтож 1195 на-фар яқка-ёлғиз нафақахў-рларга 54,6 миллион сўмлик 9 турдаги озиқ-ов-қат махсулотлари тарқатил-ди. Овул фуқаролар йиғин-лари билан ҳамкорликда қўшимча рўйхатга олинган 891 нафар отахону онахон-га хомийлар томонидан 38 миллион 212 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, Оролбўйи шахар, туман ва овуллари аҳолисини икти-моий муҳофазалаш соҳаси-да амалга оширилаётган ибратли ишлар маънавий-руҳий муҳит барқарорлиги-ни таъминлаш, оилани, соғлом турмуш тарзини му-стаҳкамлаш, ёш авлодни меҳр-мурувват руҳида тар-биялашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Абдулла СОБИРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазири



САНЪАТ МУЗЕЙНИНГ ДОВРУҒИ

Нукусдаги И.Савицкий номи Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи Марказий Осиёдаги маданий марказлардан биридир. Музейга хориждан келган сайёҳлар ташриф бу-юриб, қимматли экспонатларни қизиқиб томоша қилишади.

Қорақалпоқ халқининг бир неча асрлик тарихини ўзида ифодалайдиган миллий мерослар, ўзбек, рус расмолари чизган суратлар, қорақалпоқ мўйёнама усталари яратган санъат асарлари жой олган музейни оила-оилаларда ҳам яқши билишади.

Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилаётган кўрғазма катта қизиқий уйғотмоқда. «Яшнаган гуллар» деб номлана-диган ушбу кўрғазмада газлама, каштали кийимлар, безак буюмлари, суратлар ва кулолчилик намуналари намойиш этиляпти.

Бундан илгари Америка Қўшма Штатлари, Англия, Ита-лия, Франция, Германия мамлакатларида ташкил қилин-ган кўрғазмада музей экспонатлари юқори баҳо олган эди.

Қорақалпоқ халқининг акс эттирувчи бой маданий мероси намуналари, гўзал ва бетакор санъат асарлари дунё мамлакатлари фуқароларининг ҳам эътиборини торт-моқда.

ЕРГА ЭГАЛИК ҲИССИ

Туманимизда 362 та дех-қон-фермер хўжаликлари ташкил этилган. Қишлоқ зи-роатчиларининг фидойи меҳ-нати, ишлаб чиқаришда аг-ротехника тадбирлари вақти-да ўтказилганлиги, ер, сув, техника, ёқилғи-мойлаш ма-териаллари, минерал ва ма-ҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланилганлиги тўғайли дон ва пахтадан мўл ҳосил этиштирилди.

Кегайлидаги фермер хўжа-лигимиз 370 гектар ер май-донига эга. 111 гектар пахта майдонидан 212 тонна ўрни-га 282 тонна хирмон кўтар-дик. 44 гектар галла майдон-идан режадаги 69 тонна ўрнига 110 тонна дон этиш-тирилди.

Ҳисоб-китобларга қара-ганда фақат пахтачиликнинг ўзидан 69 миллион сўм да-ромад олинди. Шунинг 30 миллион сўми соф фойда. Даромадга қараб буромад, деганларидек бу йилги мав-сумда дехқонларимизга 13 миллион сўм иш ҳақи, 500-600 килограмдан бумдога тарқатилди. Жамoa зиммаси-да турган бизнес режанинг бажарилишидан ҳамма ман-фаатдор. Меҳанизатор Му-хаммади Сафаров, Шукрул-ло Юсупов, Қувватбой Бек-назаров, ишчилар Бибимарям Сафариянова, Узундўқ Жу-маназарова қабиларнинг оила буюжети ҳар қачонгидан бойиди.

Турмуш ўртоғим Соғида Сафарова, ўғил-қизларини ҳам бошқалар билан бир сафда туриб ишлашяпти. Овулимиз-даги кам даромадли қария ва ногиронларни баҳоли-қуд-рат қўллаб-қувватлаб келяп-миз.

Жумамурод СУЛТОНМУРОДОВ,
«Аскар» дехқон-фермер хўжалиги раҳбари

ЙЎЛ ЯҚИН, ДИЛ ЯҚИН

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бу-нёдкорлик ишлари амалга оширилди. 241 километри Кўнғирот-Бейнава автомагист-ралини ҳақли равишда аср қурилиши, деб аташ мумкин.

Истиклол меваси бўлган янги йўл Ўзбекистон Респуб-ликасини Қозоғистон, Россия давлатлари билан боғлайди. Халқ ҳўжалик юрларини Ев-ропа портларига олиб чиқиб имкониятини яратди.

Устюрт даштларини кесиб ўтадиган энг қиска ва тўғри йўналишдаги автомагистрал қурилишининг биринчи бос-қичида иш бошлангандан бери 13 миллиард 888 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Жорий йилда 6 миллиард 455 миллион сўмлик қури-лиш юмушлари бажарилди. Улкан нишотни барпо этиш-да 267 нафар йўлсоз, юзлаб қудратли техника воситала-ри қатнашяпти. Чўл шaroит-ида яшаб меҳнат қилаётган участка бошлиғи Пўлат Уте-муродов, автогрейдерчи Юсупбек Пиримбеков, экска-ваторчи Норбой Пирнафасов, булдзёерчи Ашурбой Шук-руллаев, йўлсоз Алланазар Болтаев қабиларнинг гайрат-шижоати билан иш суъяти-га-суръат қўшилишти.

Қурилиш участкаларида кечаю кундуз тиним билмай ишлаётганлар учун ҳамма қулайликлар бор. Турор-жой, ётқонхона мавжуд. Уч маҳал иссиқ овқат тайёрлаб бери-лади. Ходимларга иш ҳақидан ташқари 43 милли-он 348 минг сўм муқофот ва рағбатлантириш берилди.

Мамад ОЛЛАБЕРГЕНОВ,
«Қорақалпоқавтоёўл» худудий шўъба корхонаси бошлиғи

Ойгул ПИРНАЗАРОВА,
музей бўлим мудири

Барҳаёт сиймолар

Шахар қозиси маҳбусни шариятта шак келтирилганда, дахрийликда айблаб, Ҳужаи Аламдор тоғидан ташлаб ўлдириш хусусида ҳукм чиқариш ва ҳукми ижро этишни икки жаллодга топширди. Жаллодлар икки қўли оқсига боғланган маҳбусни ҳайдаб тоғ астига келдилар ва гуноҳорни олдинга ҳайдаб тоққа чиқа бошладилар. Тоғ йўли ниҳоятда тик ва тор бўлганидан қилчиларини яланғочлаб олган навқар маҳбус боғланган арқонни қўйиб юбориб, юз машаққат билан телага интилишарди. Шу пайт баландроққа чиқиб олган маҳбус улкан бир харсанг тошни силжитиб юборади. Ҳалиги тош икки

гирди билан етти йил сафарга чиқади. У Шарқнинг жуда кўп мамлакатларида бўлади. Қоҳирада икки йил яшайди. Бу сафар шоирнинг меҳнаткаш халққа бўлган меҳр-муҳаббатини ошириб, зомилларга нисбатан норозилигини кучайтиради. Шу боис Балх ҳокими ва уламолар уни қатл этиш ҳақида фармон чиқардилар. Носир Хисрав дарбадарликда юриб, охири 1063 йили укаси Абусаид билан Бадахшондан паноҳ толади. Бадахшоннинг уша вақтдаги ҳокими Али ибн Асад исмоилия мазаҳбини қабул қилгани учун шоирни ўз химояси остига олади. У 25 йил давомида горда яшаб барча асарларини шу ерда битади. Носир Хисрав 1088

ри мамлакатларнинг географияси, табиати, илм-фани, ҳўжалиги, мейморчилиги, турли халқларнинг турмуши, маданиятига доир қимматли маълумотлар берган, қизиқарли воқеаларни ёзиб қолдирган.

Эркसेвар шоир Носир Хисрав ўзи олқишлаган халқпарварлик, маърифатпарварлик ҳамда инсонпарварлик гоялари билан ҳаммиса бизга яқин ва ҳаммаслақдир.

ҲИҚМАТЛАР

Ақлга илм бирла берилг кўмак, Ақл бу илмга харидор демак. Косибдан шоду хур йўқ ҳажонда, Хўнардан яхши дур йўқ ҳажонда.

Илм бирла етиш мумкин, биродар, Заррадан чиқиб қўйша қадар.

Тутқил қариларнинг қалтироқ қўлин, Қаригач билурсан кексалик йўлин.

Ёшлик, телбаланик чиқар бошингдан, Онанг хизматида бўлгил ёшингдан.

Дўст топсанг сақлагил фидо этиб жон, Дўст этганин қўлдан чиқарма осон.

«Сафарномадан»

Искандария шаҳри Нил дарёси соҳилида жойлашган. Шу ердан Мисрга кема орқали мева олиб борадилар. Бу шаҳарда гаройиб бир минора кўрдим. Миноранинг куббаси - учига қандайдир бир ойна жойлаштирилган бўлиб, ўзидан кўчли нур чиқаради. Румдан, яъни Истамбулдан чиқиб дарё орқали шу томонга келатган ҳар қандай кема ана шу минора қаршисига келган, халиги нурда қўйиб кетаркан. Румликлар турли ҳўйла ва жосуликлар билан бу ойнани синдирибдилар. Бир киши Миор султониға уша ойнани аслига келтириши ваъда берибди. «Бунга ҳожат қолмади, турклар ушз ҳам бизга соғва-саломлар беришарлар, таъзим бажо келтираётлар», деб жавоб берибди султон...

Тунис шаҳрида буқаламун номли заррин мато тўқиларкан. Бу матодан тиккилган либос бир кўнда бир неча тусда товланаркан. Бундай матони бошқа ҳеч бир мамлакат халқи ишлаб чиқмас экан. Шунинг учун Тунис буқаламуни Магрибу Машриқда шўҳрат қозонибди.

Мақка шаҳрининг ҳавоси ҳаддан ташқари иссиқ бўлади, кишда ҳам Мақка бозорларида таррак, бодринг, бодин-жон (памидор) кўрдим.

Севара АЛИМБОВА

Нафосат ва гўзаллик олами

БАРЧАГА БИРДЕК ЁҚИМЛИ

Хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси хомийлигида «Сўғдийна» спорт саройида бадий гимнастика бўйича Навоий вилояти биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 5-10 ёшдаги қизлардан 50 нафари жамоа бўлиб иштирок этди.

настика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Берестецкая Озарбайжон ва Испанияда ўтказилган Жаҳон кубоги босқичларида, Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида, Россия, Исроил, Гер-



С. СОҲИБОВА

Бу баҳсларда мезбонлар биринчи, Зарафшон шаҳри иккинчи, Навбахор тумани вакиллари учинчи ўринларни эгалладилар. Фоллибикни қўлга киритган жажжи қизларга вилоят ҳокимлиги совғалари топширилди. Мусобақанинг муваффақиятли ўтишида тажрибали мураббий Валентина Шевченконинг хизматлари беқийёс У 30 йилдан бўён Навоий конметаллургия комбинатиға қарашли ўсмир болалар спорт мактабида бадий гимнастика бўйича мураббий устоз сифатида фаолият кўрсатмоқда.

да етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Вилоят вакили - бадий гимнастика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Берестецкая Озарбайжон ва Испанияда ўтказилган Жаҳон кубоги босқичларида, Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида, Россия, Исроил, Гер-

ХОТИРА МАЙДОНИ ОЧИЛДИ

Қадим шаҳарда юсак мейморий услубда бунёд этилган Хотира майдони очилди. Маҳмуанинг умумий майдони бир гектардан зиёд, дейди Самарқанд шаҳар бож меймори Азамат Фанёев. Замоनावий, айни чоғда миллий мейморий услубда бунёд этилган майдоннинг атрофи бог-роғ билан ўралган. Майдонда ўрнатилган Мотамсаро ана хайкалини таниқли хайкалтарош Илҳом Жабборов ишлаган.

Т.НОРҚУЛОВ

Ўза олган суратлар

Эшитдингизми, ўқидингизми? ЛЕГИОНЕРЛАР КЕЛАДИ

Футбол мухлисариға яхши маълумки, бугун миллий терма жамоамиз ЖЧ-2006 биринчи саралаш босқичининг сўнги тур ўйинини «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Хитой Тайпейи термасиға қарши ўтказди. Иккинчи босқич масаласи аллақачон ижобий ҳал қилинган бўлса-да, футболимиз мутасаддилари ва мураббийлар ушбу кунги учрашувға имкон қадар барча легионерларни қақришға қарор қилишди. Шу ўринда футбол ишқибозларида «Бу борада муаммо бўлмайдими?», деган ҳақли савол тўғилиши табиий. Йўқ, негаки легионер футболчиларимизнинг асосий қисми Россия чемпионатида тўп суришди. Ушбу мамлакат чемпионати эса аллақачон ўз ниҳоясиға етди. Бу мураббийларимиз учун катта имкониятдир. Тўри, бу ўйинда маҳаллий чемпионатда қатнашадиган жамоалардан ҳам футболчилар жалб қилиниши мумкин. Лекин Хитой Тайпейи билан ўтадиган баҳс терма жамоамиз учун иккинчи босқичға тайёргарлик вазифасини ўтади. Шу боис Тошкентға жароҳатланганлардан ташқари, ҳатто иккинчи бор оғохлариди олган дарвозабонимиз Алексей Поляков ҳам қақририлган.

Миллий терма жамоамизнинг бундан кейинги йўғини келгуси йилнинг 9-16 январь кунлариға белгиланган. Бу йўғин Бирлашган Араб Амирликларида ташқиллаштирилиши кутилмоқда. Йўғин давомида БААнинг иккита кучли клуби билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

ИЛЁС ЗЕЙТУЛЛАЕВ ҚАЕРДА?

Терма жамоамиз ярим химоячи, иқтидорли футболчи Илёс Зейтуллаев Италиянинг «Ювентус» клуби билан имзоланган шартномасини бекор қилиб, эркин агентга айланган.

Айни вақтда футболчимиз ўзига мақбул янги жамоа излаяпти. Маълумотларға қараганда, Илёсға «Сампдория» ва «Удинезе» клубларида тақлиф тушган. Маълумки, биринчи давра поёниға етгач, Италия чемпионатида трансфер бозори очилади. Ана шунда И.Зейтуллаев қайсидир жамоаға ўтиши мумкин.

Нуқтаи назар

Ваҳоланки, таълимға оид мейёрнинг ҳужжатларида таъкидланганидек, ўқув қўлланмаси дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимлари кенг тарзда ёритишға мўлжалланган наشريр.

Талабаларға ўқув қўлланмаси сифатида нашр қилинган «Адабиёт ва

рилан. Шунингдек, социалистик реализм гоҳ метод, гоҳ йўналиш сифатида таърифлана, тасавуф оқим сифатида тилга олинб, фалсафий таълимот тарзида шарҳланади. «Анъана ва новаторлик», «Санъаткор услуби» мавзуларида олинган парчалар ва уларнинг талқини тўб моҳияти ифода этолмайди.

Юқоридаги муаллифларнинг «Адабиётшуносликка кириш» қўлланмасида яна бир «ўзига хослик» мавжуд. Бу ҳол «Адабиёт назарияси»даги қатор мавзулар номини қисман ўзгартиб, баёни айнан сўзма сўз бу қўлланмаға киритишда кўринади. «Бадий метод», «Услуб», «Шеър тузилиши», «Бадий асарда типиклик», «Бадий асар ҳақида маълумот» каби мавзулар шулар жумласидандир. Ваҳоланки, бу қўлланмада ўз харақтери, қўлами ва мазмун-моҳияти жиҳатидан турлича ёндошуни тақозо қилади.

Шунингдек, С.Рўзимбоев ва Г.Эшжановлар «Шеърини санъатлар» рисоласида ўзларини муаллиф эмас, тузувчилар деб аташа тўғри бўларди. Чунки рисола маъмуа харақтериде бўлиб, Е.Исҳоқовнинг «Адабиёт поэтикасида маълумотлар» мақоласи ва бошқа мавжуд асарлардаги парчалардан иборат. Унда фойдаланилган манбалар рўйхати берилмаган. Эллика яқин санъатни қамраб олган рисолада маънавий, лафзлий ва муштарак каби санъат турлари алоҳида ажратилмаган.

Ўқув адабиёти яратиш катта иқтидор ва масъуллик талаб қилади. Янги тафаккурға асосланиб яратилган бугунги дарслик ва қўлланмалар асосан мустақил ижод маҳсули, талабаларға муайян фан асосларининг ижодий индивидуаллиги мавзуси бир ярим бетдан 22 қаторға тўшиб қолган.

Қўлланмада «ижодий метод», «йўналиш» ва «услуб» тушунчаларини қўллашда ҳам чалқашликлар мавжуд. Жумладан, адабиётшунослик илмида эътироф этилган романтизм ва реализм ижодий методлари қаториға классицизм ҳам қўшиб юборилган.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси фан арбоби, профессор, Ўрмбек СОТИМОВ, филология фанлари доктори

Пойтахтимиздаги мухташам Ўзқисп-марказининг биринчи павильонида бешинчи технология, жиҳозлар ва тайёр маҳсулотларнинг «Экспо Италия - 2004» кўргазмаси очилди.

«ЭКСПО ИТАЛИЯ - 2004»

Италия иқтисодининг қарийб 80 фоизини қилич ва ўрта бизнес субъектлари ташқил этади. Шу боис кўргазмаға тақлиф этилган Италия компанияларининг ақсариди қилич ва ўрта бизнес субъектларидир. Мазкур кўргазма биринчи маротоба 1999 йилда ўтказилганди. Авваллари ўтказилган кўргазмаларда асосан оғир саннат соҳаси, йирик заводлар учун мўлжалланган янги технологиялар келтирилган бўлса, бу гағлисиде қилич ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этмоқда.

Кўргазмада икки давлат ишбилармонлари ўз йўналишлари бўйича доимий алоқалар олиб бориши учун барча шароитлар яратилган. Утган 2003 йилда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги товар айланмаси атиғи 109 миллион АҚШ долларини ташқил этган. Мутахассисларнинг таъриф этишича, икки давлат тақбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, товар айланмасини сезиларли даражада ошириш мумкин экан. Бундай натижаларға эришиш учун эса шу каби кўргазма тақлиф қилинган бўлса, бу гағлисиде қилич ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этмоқда. Улар орасида патхони қайта ишлаш, электрэнергияни тежаш технологиялари ва туризм йўналишидаги компаниялар ҳам мавжуд.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноти ҳодимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси ва унинг Тошкент шаҳридаги вақлий ётақчи мутахассис Г.Дубровинаға синглиси

Ольга ЕЛИСЕЕВанинг Бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади

Ойбек номидаги метро станцияси ёнидаги Жанубийи Корея элчиқонаси ва «Ўзбегим» супермаркети оралиғида жойлашган офис ёки қафеға мўлжалланган 289 квадрат метрли бино сотилади. Мурожаат учун тел: 111-37-73

ГОРДА БИТИЛГАН АСАРЛАР

қонхўрни пастга суриб кетади. Маҳбус бўлса тоғма-тоғ қочиб, умрининг 25 йилни Бадахшондаги Юмгон қишлоғи горида ўтказди. Бу киши файласуф шоир, маърифатпарвар адиб Абумуиниддин Носир Хисрав эди.

Бўлажақ шоир ва давлат арбоби Носир Хисрав 1004 йилда Кубодиён шаҳрида деҳқон оиласида туғилади. Дастлаб ўз она шаҳрида ўқиб, яхшигина билим олади, кейинчалик Марвага бориб, мадрасада ўқийди, мустақил мутолаа билан шуғулланади. Носир Хисрав фалсафа, мантик, математика, тилшунослик, жуғрофия, табиатушунослик, тиб, адабиётшунослик, фикҳ, астрономия ва бошқа фанларни пухта ўрганади. Бир шеърда шоир ўрганишға интилишини қуйидагича қайд этган:

Билим қўқаришға урдим бошимни, Бекор ўтказмадим умримни бир дам... Қайдаки, эшитсам илму донишни, Эшиги тағида ўлтурдим маҳкам...

Илмда камолотта эришган Носир Хисрав Балх, Марв шаҳарларида давлат идораларида ишлади, бир неча йил Марвада солиқ йўғувчиларға бошчилик қилади. Маҳмуд ва Масъуд Газнавийларнинг мажлисларида иштирок этади, салжўқийлар маҳкамасида ҳам хизмат қилади. Шу даврда меҳнаткаш халқнинг оғир иқтисодий аҳолини ўз қўли билан кўради, виждони қийналиб, вазифасидан воз кечади. Шоир 1046 йили укаси ва шо-

йилда горда вафот этади.

Носир Хисравдан катта ҳажмада адабий ва илмий мерос сақланиб қолган. «Сафарнома», «Саодатнома», «Рўшнонома», «Ҳикматлар мажмуаси», «Мусофирларнинг йўл озуқалари», «Ваҳжидин», «Қушош ва раҳиш», «Хон-ул-ихсон» (Биродарлар хони) ҳамда араб ва форс тилларидаги иккита шеърини девони шулар жумласидандир. Ўз асарларида шоир илм-фани, касб-хўнар, фойдали меҳнатни улуглайди, илм ва касб ўрганишини тарғиб этади. Илмни бахт-саодат қилити, деб билган шоир олимларни, кўкка кўтариб таърифлайди, кишиларни улардан таълим олишға чақиради. Маърифатпарвар шоир зулм-зўрлик, жаҳолат ва ноодонликни, талончилик ва товланчиликни қоралайди: халқ меҳнати, бойлиғи эвазига айш-ишрат билан шуғулланувчи, бойлик ортиривчи ҳукмронларни танқид қилади.

Носир Хисрав меҳнаткаш халқни, хўнарманд, бинокор, деҳқонлар ва бошқа касб эгаларини алоҳида таърифлаб, уларни ҳақиятининг моддий нёматларини яратувчилари, деб биллади:

Ҳажон шодлигининг боис деҳқон, Унинг бирла экинзор, богу бўстон. Бу ишдин яхши оламда не бодур, Одам наслға бу иш ёдгордур.

Носир Хисравнинг «Сафарнома» асарини алоҳида қимматга эга. Унда адиб Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Сурия, Фаластин, Ироқ, Туркия, Миср синга-

Хабарлар оқимидан «ЖОЗИБАДОР ТАБАССУМ» ДАСТУРИ

«Procter Gamble» компаниясининг Ўзбекистон бозориде фаолият кўрсата бошлаганиға ўн йил бўлди. Бу орада таълим миллий соғломлаштириш дастури асосида кўпгина тақбирлар амалға оширилди.


«Балогат даври», «Жозибатор табассум», «Соғтан - соғлом бола» каби дастурий йўналишларда қилинган ишлар ҳам самарали бўлди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишға қаратилган тиббий тақбирлар ҳам ўз ижобий натижасини берди. «Еш оналар мактаби» машғулотири ҳам жуда фойдали бўлмоқда.

Бу борада ортирилган бой тақбирлар асосида «Янги бўшалган оналарға» деган китобчалар босмаға тайёрланди. Бу нашрлардан талайгинаси туғруқхоналарға тарқатилди. Айни вақтда бу каби адабиётлар «Соғлом авлод учун» жамғармаси орқали жойларда оммалаштирилди.

НОДИР НАМУНА

Мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналаридан бири ҳисобланган «Равзат уш-шухадо» асарини илк бор кирилл алифбосида чоп этилди. Со бир Сайқалий Хисорий томонидан араб тилида яратилган араб тарихий қисса халқаро Аҳмад Ясавий муқофоти соҳибини, адабиётшунослик олим Сайфиддин Сайфуллоҳ билан америкалик тақдиқотчи Довуд Хунзикерлар илмий ҳамкорлигида босмаға тайёрланди.

Ушбу қиссани ўз ичига олган мазкур тўпламда адабий ва форсий сўзларнинг луғати ҳамда изоҳлари ҳам ёритилди. Қиссани «Мивароун-наҳр» нашриёти кўп нусхада чоп этди. А. АЛИЕВ



Таълим соҳасидаги ислохотлар олий мактаб талабалари учун янги тафаккурға асосланган ўқув адабиётлари яратиши тақозо қилмоқда. Шу мақсадда мустақиллик йилларида қатор университетларда ўзбек филологияси йўналишидаги бакалаврият босқичиға мўлжалланган адабиётшунослик фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар майдонға келди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Бухоро, Самарқанд Давлат университетларида «Адабиётшунослик тарихи» (Б.Валихўжаев), «Адабиётшуносликка кириш» (А.Улугов, Э.Худойбердиев), «Адабиётшунослик асослари» (Т.Бобоев), «Адабиёт назарияси» (Х.Умуров), «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» (О.Сафаров, Б.Йўлдашев, Ш.Ахмедова) каби дарслик ва қўлланмалар яратилди.

Бу жараёни тақбирлаган ҳолда айрим фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўтишни истардик. Хусусан, профессор Т.Бобоевнинг «Адабиётшунослик асослари» ва профессор Х.Умуровнинг «Адабиёт назарияси» китоблари дарслик сифатида чоп этилгани илм аҳли томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди. Биринчи дарслик «Адабиётшуносликка кириш» қўлланмасининг қайта ишлаб тақимиллаштирилган, янги адабий-эстетик қарашлар билан бойитилган вариантдир. У адабий-назарий ҳодисаларнинг қўламдорлиги, қофия, сюжет, композицияға ҳамда мумтоз поэтикаға оид бобларнинг янада кенгайтирилгани, баён услубининг раволиғи билан ажралаб туради.

Шу билан бирга, айрим баҳс-сталаб ва қиймиға етмаган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, муаллифининг «Адабиётшуносликка кириш» атамаси ўрниға «Адабиётшунослик асослари»ни қўллашға қўйишлик бўлмайди. Чунки биринчи курс талабалариға бу фандан дастлабки тушунарлар бериш мақсади қўзланади. Афсуски, кўп ҳолларда бу фан мундариҳаси «Адабиёт назарияси»даги масалаларни тақбирлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Бизнингча, «Адабиётшуносликка кириш» курсида, мантиқа кўра, адабиётшуносликнинг моҳияти, асосий ва таркибий қисмлари ҳақидаги умумий билимлар беришлик маъқул. Зеро, бу фаннинг 1-семестрда ўқитилиши ҳам тасодиқий бўлмай, у кейинги курслар-

бўлимда эпик турнинг дoston ва романдан бошқа ўрта ва кичик жанрлари ҳақида гап йўқ. Асар тили ҳақидаги фикрлар ҳам асосан доирасида ёритилиб, мажозлар, маҳсуслек ресурслар, поэтик синтаксис ва поэтик фонетикаға доир маълумотлар акс этмаган. Шунингдек, назарий фикрлар дилили учун келтирилган бадий парчалар, таъсирли маълумотлар ҳам мейёрдан анча ошиб кетган. Урганч давлат университетида

ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМА МУСТАҚИЛ ИЖОД МАҲСУЛИ БЎЛСИН

даги «Адабиёт тарихи», «Адабиёт назарияси», «Адабий танқид тарихи» фанларини чуқур ўзлаштиришға замин ҳозирлайди.

Иккинчидан, дарслик ҳажмининг деярлик ярим (250 саҳифа) фақат шеър илми таълимий ажратилгани ҳолда ижодий метод, адабий оқим ва индивидуал услуб масалалари анча қисқа ёритилган.

Х.Умуров дарслиғида бадий адабиётнинг умумий қонунчалари, бадий асар тузилиши ва хоссалари ҳақида адабий жараён ҳақидаги фикрлар қўламдор материалларнинг ўзига хос тақлиди асосида баён этилган. Хусусан, асар бадиятиға алоқадор талант, илҳом, маҳорат, психологизмға оид фикрлар анча маъқул. Шунингдек, таънз сўз ва ибораларнинг ҳамда умумий ва зарур асосий адабиётларнинг таъсия этилиши ҳам бугунги талабаларға монандир.

Аммо дарсликни қурсурлардан бутунлай холи дейишимиз ҳам қийин. Бизнингча, дарслик оdatида муайян фан дастуриға асосланган ва талабаларға мўлжалланган сабаб-илми ундаги асосий масалаларни ёритиш талаб этилади. Ушбу дарсликка эса айрим мавзуларнинг тушириб қолдирилиши ёҳуд қисқартрилиши ўзини оқламайди. Жумладан, тур ва жанрларға ажратилган

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишға топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.50

Манзилмас: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 035-рақам билан рўйхатға олинган. ИВМ компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ